O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
FURQAT TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ
ФУРКАТСКИЙ РАЙОН
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА

«11» 04 2020 yil Navbahor shaharchasi № 296-sonli

**Тумандаги Қушчи қишлоғида яшовчи тадбиркор Тошбеков Содиқжонга "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги ""Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари" тўғрисида"ги 962-сонли қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган ""Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида "Yosh tadbirkorlar" коворкинг марказлари ва "Yoshlar mehnat guzari" комплексларини қуриш ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низом ижросини таъминлаш ҳамда туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Қушчи қишлоғида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан унумли фойдаланиш мақсадида, туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси ҳамда Ер Кодексининг 6-моддаси ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

**1.**Тумандаги Қушчи қишлоғида яшовчи якка тартибдаги тадбиркор Тошбеков Содиқжоннинг туман ҳокимлигида рўйхатга олинган аризаси, туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

**2.**Фурқат тумани Қушчи қишлоғида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,32 га ер майдони Қушчи қишлоғида яшовчи якка тартибдаги тадбиркор Тошбеков Содиқжонга "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси (тикувчилик цехи, электр пайвандлаш устахонаси, компютер хизмати, косибхона) қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилсин.

**3.**Тадбиркор с,тошбековга "Ёшлар меҳнат гузари" қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу Кодекснинг 39 ва 54-моддаларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлатиш ҳамда объект қурилишга рухсатнома олиш вазифаси юклатилсин.

**4.**Тадбиркор С.Тошбеков зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган комплексни 1 йил муддатда қуриб фойдаланишга топшириш ҳамда иш ўринларининг камида 70 фоизи миқдорида банд бўлмаган ёшларни камида 5 йил давомида иш билан таъминлаш шарти билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мажбуриятлари белгилаб қўйилсин.

**5.**Тадбиркор С.Тошбеков ушбу қарорнинг 3-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ушбу қарор бекор қилиниши ва қурилиш харажатлари қопланмаслиги белгилаб қўйилсин.

**6.**Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Б.Абдуллаев ва Р.Хамдамовлар зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими:** **Д.Ж.Солиев.**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
FURQAT TUMANI
HOKIMINING
**QARORI**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ
ФУРКАТСКИЙ РАЙОН
**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**
ХОКИМА

«01» 05 2020 yil №324 -sonli Navbahor

Шўхай қишлоғида яшовчи Валиев Отабек Икромовичга Ғунча махалла фуқаролар йиғинига ўзини ўзи бошқариш органи комплекси хамда тўйхона,савдо ва хизмат кўрсатиш биноларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш учун ер майдони ажратиш хақида.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6 ва 23-моддаларига асосланиб, ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғриси"ги ПҚ-4602-сонли қарорига ҳамда туман хокимлиги хузуридаги доимий харакатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6 ва 23-моддаларига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси " Махаллий Давлат Ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6 ва 25-моддаларига асосан

**Қ А Р О Р  Қ И Л А М А Н:**

1. Ғунча МФЙ Шўхай қишлоғи худудидан туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан Шўхай қишлоғида яшовчи фуқаро Валиев Отабек Икромовичга Ғунча махалла фуқаролар йиғинига ўзини ўзи бошқариш органи комплекси хамда тўйхона,савдо ва хизмат кўрсатиш биноларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилиши учун ер майдони ажратиш хақидаги туман доимий харакатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин ва ўзаро келишув битими имзолангaнлиги инобатга олинсин.

2. Туманнинг Шўхай қишлоғида яшовчи фуқаро Валиев Отабек Икромовичга давлат-хусусий шериклик шартлари асосида Ғунча махалла фуқаролар йиғинига ўзини ўзи бошқариш органи комплекси қурилиши учун 0.03 га хамда тўйхона,савдо ва хизмат кўрсатиш бинолари қурилиши учун 0.15 га жами 0.18 га ер майдони ажратилсин.

3. Ғунча махалла фуқаролар йиғинига ўзини ўзи бошқариш органи комплекси хамда тўйхона,савдо ва хизмат кўрсатиш биноларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шахарсозлик кодексининг 27-моддасига биноан вилоят қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу кодекснинг 39 -моддасига асосан лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлатиш ҳамда вилоят ДАКН инспекциясини объектда қурилиш монтаж ишларини бошланганлиги хақида хабардор этиш вазифаси юклатилсин.

4.Объект қурилишини лойиҳа асосида амалга ошириш ҳамда қурилиш устидан техник назоратни ташкил этиш буюртмачи Валиев Отабек Икромович зиммасига юклатилсин.

5.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Р.Хамдамов зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими:** **Д.Ж. Солиев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
FURQAT TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ
ФУРКАТСКИЙ РАЙОН
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА

«02» 05 2020 yil №326-sonli Navbahor shaharchasi

Тумандаги Шўхай қишлоғида яшовчи фуқаро Исмоилова Муборак Расулжон қизига "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги **""Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойихаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари" тўғрисида"**ги 962-сонли қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган **""Yoshlar-kelajagimiz"** Давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида **"Yosh tadbirkorlar"** коворкинг марказлари ва **"Yoshlar mehnat guzari"** комплексларини қуриш ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низом ижросини таъминлаш ҳамда туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ғунча маҳалла фуқаролар йиғини Шўхай қишлоғи худудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан унумли фойдаланиш мақсадида, туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси ҳамда Ер Кодексининг 6-моддаси ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6, 25-моддаларига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

**1.**Тумандаги Шўхай қишлоғида яшовчи фуқаро Исмоилова Муборак Расулжон қизининг туман ҳокимлигида рўйхатга олинган мурожаати ва туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.

**2.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармонининг 3-банди а-қисмига асосан тўғридан-тўғри ҳамда в,д-қисмларида белгиланган, яратиладиган иш ўринларининг 70 фоизидан кам бўлмаган қисмини 5 йил давомида ёшларни иш билан таъминлаш мажбуриятини бажариш шарти билан Фурқат тумани Шўхай қишлоғида яшовчи фуқаро Исмоилова Муборак Расулжон қизига Шўхай қишлоғи худудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан "Ёшлар мехнат гузари" комплекси ташкил этиб, (тикувчилик цехи, озиқ овқат ва но-озиқовқат савдо дўкони, сартарошхона ҳамда гўзаллик салони) қуриш учун доимий фойдаланиш хуқуқи асосида 0.045 га ер майдони ажратилсин.

**3.**Фуқаро М.Исмоиловага "Ёшлар меҳнат гузари" ташкил этиб, (тикувчилик цехи, озиқ овқат ва ноозиқовқат савдо дўкони, сартарошхона ҳамда гўзаллик салони) қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу Кодекснинг 39 ва 54-моддаларига асосан лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлатиш ҳамда объект қурилишига рухсатнома олиш вазифаси юклатилсин.

**4.**Фуқаро М.Исмоилова зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган комплексни Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 36-моддасида белгиланган муддатда қуриб фойдаланишга топшириш ҳамда иш ўринларининг камида 70 фоизи миқдорида банд бўлмаган ёшларни 5 йил давомида иш билан таъминлаш шарти билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мажбуриятлари белгилаб қўйилсин.

**5.**Фуқаро М.Исмоилова ушбу қарорнинг 3-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ушбу қарор бекор қилиниши ва қурилиш харажатлари қопланмаслиги белгилаб қўйилсин.

**6.**Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Б.Абдуллаев ва Р.Хамдамовлар зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **Д.Ж.Солиев.**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
FURQAT TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ
ФУРКАТСКИЙ РАЙОН
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА

«05» май 2020 yil Navbahor shaharchasi № 328-sonli

Тумандаги Шўхай қишлоғида яшовчи тадбиркор Носиров Алишер Бурхонжон ўғлига "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги **""Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари" тўғрисида**"ги 962-сонли қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган **""Yoshlar-kelajagimiz"** Давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида **"Yosh tadbirkorlar"** коворкинг марказлари ва **"Yoshlar mehnat guzari"** комплексларини қуриш ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низом ижросини таъминлаш ҳамда туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ғунча маҳалла фуқаролар йиғини Шўхай қишлоғи ҳудудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан унумли фойдаланиш мақсадида, туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси ҳамда Ер Кодексининг 6-моддаси ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6, 25-моддаларига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

**1.**Тумандаги Шўхай қишлоғида яшовчи тадбиркор Носиров Алишер Бурхонжон ўғлининг туман ҳокимлигида рўйхатга олинган мурожаати ва туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин ва Ғунча маҳалла фуқаролар йиғини қарори маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

**2.**Тадбиркор Носиров Алишер Бурхонжон ўғлига Шўхай қишлоғи ҳудудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан "Ёшлар мехнат гузари" комплекси ташкил этиб, акфа эшик ва ромлари ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида 0,03 га ер майдони ажратилсин.

**3.**Тадбиркор А.Носировга "Ёшлар меҳнат гузари" ташкил этиб, акфа эшик ва ромлари ишлаб чиқариш цехи биноси қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу Кодекснинг 39 ва 54-моддаларига асосан лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлатиш ҳамда объект қурилишига рухсатнома олиш вазифаси юклатилсин.

**4.**Тадбиркор А.Носиров зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган комплексни Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 36-моддасида белгиланган муддатда қуриб фойдаланишга топшириш ҳамда иш ўринларининг камида 70 фоизи миқдорида банд бўлмаган ёшларни 5 йил давомида иш билан таъминлаш шарти билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мажбуриятлари белгилаб қўйилсин.

**5.**Тадбиркор А.Носиров ушбу қарорнинг 4-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ушбу қарор бекор қилиниши ва қурилиш харажатлари қопланмаслиги белгилаб қўйилсин.

**6.**Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Б.Абдуллаев ва Р.Хамдамовлар зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **Д.Ж.Солиев.**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
FURQAT TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ
ФУРКАТСКИЙ РАЙОН
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА

«05» май 2020 yil Navbahor shaharchasi №329-sonli

Тумандаги Шўхай қишлоғида яшовчи тадбиркор Дўсматова Дилфузахон Абдурахмон қизига "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги **""Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари" тўғрисида"**ги 962-сонли қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган **""Yoshlar-kelajagimiz"** Давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида **"Yosh tadbirkorlar"** коворкинг марказлари ва **"Yoshlar mehnat guzari"** комплексларини қуриш ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низом ижросини таъминлаш ҳамда туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ғунча маҳалла фуқаролар йиғини Шўхай қишлоғи ҳудудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан унумли фойдаланиш мақсадида, туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси ҳамда Ер Кодексининг 6-моддаси ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6, 25-моддаларига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

**1.**Тумандаги Шўхай қишлоғида яшовчи тадбиркор Дўсматова Дилфузахон Абдурахмон қизининг туман ҳокимлигида рўйхатга олинган мурожаати ва туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин ва Ғунча маҳалла фуқаролар йиғини қарори маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

**2.**Тадбиркор Дўсматова Дилфузахон Абдурахмон қизига Шўхай қишлоғи ҳудудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан "Ёшлар мехнат гузари" комплекси ташкил этиб, хусусий клиника биноси қуриш учун доимий фойдаланиш хуқуқи асосида 0,03 га ер майдони ажратилсин.

**3.**Тадбиркор Д.Дўсматовага "Ёшлар мехнат гузари" ташкил этиб, хусусий клиника биноси қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шахарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу Кодекснинг 39 ва 54-моддаларига асосан лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлатиш ҳамда объект қурилишига рухсатнома олиш вазифаси юклатилсин.

**4.**Тадбиркор Д.Дўсматова зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган комплексни Ўзбекистон Республикаси "Ер Кодекси"нинг 36-моддасида белгиланган муддатда қуриб фойдаланишга топшириш ҳамда иш ўринларининг камида 70 фоизи миқдорида банд бўлмаган ёшларни 5 йил давомида иш билан таъминлаш шарти билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мажбуриятлари белгилаб қўйилсин.

**5.**Тадбиркор Д.Дўсматова ушбу қарорнинг 4-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ушбу қарор бекор қилиниши ва қурилиш харажатлари қопланмаслиги белгилаб қўйилсин.

**6.**Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Б.Абдуллаев ва Р.Хамдамовлар зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **Д.Ж.Солиев.**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
FURQAT TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ
ФУРКАТСКИЙ РАЙОН
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА

«12» май 2020 yil Navbahor shaharchasi № 335 -sonli

Фурқат тумани 12-Болалар мусиқа ва санъат мактаби ер майдонини бир қисмини туман захира ерлар фондига қайтариш хамда захирадаги ер майдонидан фуқаро Ш.Рўзматовга туманда Ёшлар мехнат гузари ташкил этиб **"Ёшлар эко парки"** барпо этиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддаси 1-бандига, хамда Фурқат туманида фуқаро Ш.Рўзматовга **"Ёшлар эко парки"**ни ташкил этиш тўғрисида Вилоят хокимлигининг 2020 йил 07 январдаги 08/01-49-сонли йиғилиш баёнига, Фарғона вилояти маданият бошқармаси бошлиғи Б.Султоновни туман хокимлигига ёзган алоқа хатини ва Ўзбекистон Республикаси "Махаллий Давлат хокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6 ва 25-моддаларига асосан, хамда туман хокимлиги хузуридаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш бўйича доимий харакатдаги комиссиясининг далолатномасини кўриб чиқиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Фурқат тумани Чиркай МФЙ Чиркай қишлоғида жойлашган 12-сонли мусиқа ва санъат мактаби ер майдонини бир қисмини туман захира ерлар фондига қайтариш хамда захирадаги ер майдонидан фуқаро Ш.Рўзматовга туманда Ёшлар мехнат гузари ташкил этиб **"Ёшлар эко парки"** барпо этиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида туман хокимлиги хузуридаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуркат тумани 12-Болалар мусиқа ва санъат мактабини умумий 1,0 гектар ер майдонидан 0,35 гектар ер майдони туманда Ёшлар мехнат гузари ташкил этиб **"Ёшлар эко парки"** барпо этиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 122-сонли фармойишига асосан туман захира ерлар фондига белгиланган тартибда қайтарилсин.

3. Фурқат тумани Чиркай МФЙ Чиркай қишлоғи худудидан фуқаро Ш.Рўзматовга туманда Ёшлар мехнат гузари ташкил этиб **"Ёшлар эко парки"** барпо этиш учун туман захира ерлар фондига олинган 12-Болалар мусиқа ва санъат мактаби олд томонидан 0,35 гектар, ер майдони ажратилсин.

4. Фуқаро Ш.Рўзматовга туманда Ёшлар мехнат гузари ташкил этиб **"Ёшлар эко парки"** барпо этиш учун Ўзбекистон Республикаси Шахарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу кодекснинг 39 ва 54-моддаларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлатиш ҳамда вилоят ДАКН инспекцияни объектда қурилиш монтаж ишларини бошланганлиги хақида хабардор этиш вазифаси юклатилсин.

5. Фуқаро Ш.Рўзматовга туманда Ёшлар мехнат гузари ташкил этиб **"Ёшлар эко парки"** барпо этишни Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасида белгиланган муддатда амалга ошириш ва фойдаланишга топшириш лозимлиги кўрсатиб ўтилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг саноатни ривожлантириш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Р.Ҳамдамов зиммасига юклатилсин.

**Туман хокими :** **Д.Ж. Солиев.**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
FURQAT TUMANI
HOKIMINING
**QARORI**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ
ФУРКАТСКИЙ РАЙОН
**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**
ХОКИМА

«21» 05 2020 yil №351 -sonli Navbahor

**Тумандаги Истиқлол МФЙ Беш-эчки қишлоғида яшовчи тадбиркор Нўъмонжонов Шермуҳаммад Нозимжон ўғлига "Ёшлар мехнат гузари" комплекси (Сутни қайта ишлаш цехи, тегирмон биноси, донни қайта ишлаб чиқаришга мўлжалланган бинолар) ҳамда от спорт мактаби қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги **"Ўзбекистон республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги ПҚ-3057-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги **""Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойихаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари" тўғрисида"**ги 962-сонли қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган **""Yoshlar-kelajagimiz"** Давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида **"Yosh tadbirkorlar"** коворкинг марказлари ва **"Yoshlar mehnat guzari"** комплексларини қуриш ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низоми, Фарғона вилояти ҳокими Ш.М.Ғаниевнинг 07.01.2020 йил кунги Фурқат туманида ўтказилган "Ҳоким ва ёшлар" учрашувида тасдиқланган йиғилиш протоколини ижросини таъминлаш ҳамда туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида туман захирасидаги ер майдонидан унумли фойдаланиш мақсадида, туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси ҳамда Ер Кодексининг 6-моддаси ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

**1.**Тумандаги Беш-эчки қишлоғида яшовчи тадбиркор Нўъмонжонов Шермуҳаммад Нозимжон ўғлининг туман хокимлигида рўйхатга олинган мурожаати, Фарғона вилояти ҳокими Ш.М.Ғаниевнинг 07.01.2020 йил кунги Фурқат туманида ўтказилган "Ҳоким ва ёшлар" учрашувида тасдиқланган йиғилиш протоколи, Ардахшон маҳалла фуқаролар йиғинининг 15.05.2020 йил кунги йиғилиш баёнини ҳамда туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

**2.**Фурқат тумани Беш-эчки қишлоғида яшовчи тадбиркор Нўъмонжонов Шермуҳаммад Нозимжон ўғлига Чекжўрабек қишлоғи худудидан туман захира ерлар фондидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан "Ёшлар мехнат гузари" комплекси (Сутни қайта ишлаш цехи, тегирмон биноси, донни қайта ишлаб чиқаришга мўлжалланган бинолар) ҳамда от спорт мактаби қурилиши учун 3,50 га ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилсин.

**3.**Тадбиркор Нўъмонжонов Шермуҳаммад Нозимжон ўғлига "Ёшлар меҳнат гузари" қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шахарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу Кодекснинг 39 ва 54-моддаларига асосан лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлатиш ҳамда объект қурилишига рухсатнома олиш вазифаси юклатилсин.

**4.**Тадбиркор Нўъмонжонов Шермуҳаммад Нозимжон ўғли зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган комплексни 1 йил муддатда қуриб фойдаланишга топшириш ҳамда иш ўринларининг камида 70 фоизи миқдорида банд бўлмаган ёшларни камида 5 йил давомида иш билан таъминлаш шарти билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мажбуриятлари белгилаб қўйилсин.

**5.**Тадбиркор Нўъмонжонов Шермуҳаммад Нозимжон ўғлига ушбу қарорнинг 3,4-бандларида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ушбу қарор бекор қилиниши ва қурилиш харажатлари қопланмаслиги белгилаб қўйилсин.

**6.**Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Б.Абдуллаев ва Р.Хамдамовлар зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими:** **Д.Ж.Солиев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
FURQAT TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ
ФУРКАТСКИЙ РАЙОН
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА

«30» 05 2020 yil Navbahor shaharchasi № 367 -sonli

Тумандаги Ободон қишлоғида яшовчи тадбиркор Мамажонова Мухбирахон Абдухамид қизига "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги **""Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари" тўғрисида"**ги 962-сонли қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган **""Yoshlar-kelajagimiz"** Давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида **"Yosh tadbirkorlar"** коворкинг марказлари ва **"Yoshlar mehnat guzari"** комплексларини қуриш ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низом ижросини таъминлаш ҳамда туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ингичка маҳалла фуқаролар йиғини Ободон қишлоғи худудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан унумли фойдаланиш мақсадида, туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси ҳамда Ер Кодексининг 6-моддаси ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6, 25-моддаларига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

**1.**Тумандаги Ободон қишлоғида яшовчи тадбиркор Мамажонова Мухбирахон Абдухамид қизининг туман ҳокимлигида рўйхатга олинган мурожаати ва туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин ва Ингичка маҳалла фуқаролар йиғини қарори маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

**2.**Тадбиркор Мамажонова Мухбирахон Абдухамид қизига Ободон қишлоғи худудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан "Ёшлар мехнат гузари" комплекси ташкил этиб, хусусий клиника биноси қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида 750,0 квадрат метр ер майдони ажратилсин.

**3.**Тадбиркор М.Мамажоновага "Ёшлар меҳнат гузари" ташкил этиб, хусусий клиника биноси қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шахарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу Кодекснинг 39 ва 54-моддаларига асосан лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлатиш ҳамда объект қурилишига рухсатнома олиш вазифаси юклатилсин.

**4.**Тадбиркор М.Мамажонова зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган "Ёшлар мехнат гузари" комплекси ташкил этиб, хусусий клиника биносини 2021 йил 1 июнгача қуриб битказиб, фойдаланишга топшириш ҳамда иш ўринларининг камида 70 фоизи миқдорида банд бўлмаган ёшларни 5 йил давомида иш билан таъминлаш шарти билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мажбуриятлари белгилаб қўйилсин.

**5.**Тадбиркор М.Мамажонова ушбу қарорнинг 4-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ушбу қарор бекор қилиниши ва қурилиш харажатлари қопланмаслиги белгилаб қўйилсин.

**6.**Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Б.Абдуллаев ва Р.Хамдамовлар зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **Д.Ж.Солиев.**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
FURQAT TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ
ФУРКАТСКИЙ РАЙОН
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА

«17» июнь 2020 yil №383 -sonli Navbahor

Туманнинг Навбахор шаҳарчасида жойлашган туман ҳокимлиги балансида бўлган бино ва иншоотларни фуқаро Муродалиев Отабек Улуғбек ўғлига "Ёшлар меҳнат гузари" ташкил этиш учун доимий фойдаланишга бериш ҳақида.

Туман аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғликни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-2863-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги "Ёшлар-келажагимиз" давлат дастури ҳақидаги ПФ-5466-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги «Yoshlar—kelajagimiz» давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини ижросини таъминлаш, соғлиқни сақлаш соҳасида тадбиркорликни қўллаб қувватлаш мақсадида, шунингдек Фурқат тумани Беш-оға қишлоғида яшовчи фуқаро Муродалиев Отабек Улуғбек ўғлининг аризасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Махаллий давлат хокимияти тўғрисида"ги конунининг 6,25-моддаларига асосланиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Фурқат тумани Беш-оға қишлоғида яшовчи фуқаро Муродалиев Отабек Улуғбек ўғлининг туман ҳокимлигида рўйхатга олинган Навбахор шаҳарчасида жойлашган туман хокимлиги балансида бўлган бино ва иншоатларни беришини сўраб ёзган аризаси қаноатлантирилсин.

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги "Ёшлар-келажагимиз" Давлат дастури ҳақидаги ПФ-5466-сонли Фармонининг 3-банди а-қисмига асосан тўғридан-тўғри ҳамда в,д-қисмларида белгиланган, яратиладиган иш ўринларининг 70 фоизидан кам бўлмаган қисмини 5 йил давомида ёшларни иш билан таъминлаш мажбуриятини бажариш шарти билан туман ҳокимлиги балансидаги бино ва иншоатларни қурилиш эгаллаган 79,64 квадрат метр бўлган бино ва иншоатларни хусусий клиника сифатида фойдаланиш учун "нол" қийматда фуқаро Муродалиев Отабек Улуғбек ўғлига берилсин ҳамда 145,0 квадрат метр ер майдони доимий фойдаланишга бириктирилсин.

3.Фуқаро Муродалиев Отабек Улуғбек ўғлига мазкур қарорнинг 2-банди билан нол қийматда берилган бинодан тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида белгиланган тартибга мувофиқ самарали фойдаланиш Муродалиев Отабек Улуғбек ўғли зиммасига юклатилсин.

4.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Б.Абдуллаев ва Р.Хамдамовлар зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими:** **Д.Ж.Солиев**

2020-08-04 09:55:28